

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

ВАЛИЕВ БОБУР БАТИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ
МЕХАНИЗМИ**

08.00.12 – “Минтақавий иқтисодиёт”

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Валиев Бобур Батирович

Ўзбекистонда худудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда
инвестиция салоҳиятини ошириш механизми..... 3

Валиев Бобур Батирович

Механизм повышения инвестиционного потенциала в обеспечении
устойчивого экономического развития регионов
Узбекистана..... 37

Valiev Bobur Batirovich

Mechanism for increasing investment potential in the sustainable economic
development of regions in Uzbekistan 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 76

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

ВАЛИЕВ БОБУР БАТИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ
МЕХАНИЗМИ**

08.00.12 – “Минтақавий иқтисодиёт”

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Iqt197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ifmr.uz) ва «Ziyoune» Ахборот-таълим порталида (www.ziyoune.com) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Содиқов Авазбек Мадаминвич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимжонов Одил Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Низомов Аслиддин Бадриддинович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рахмонов Нормир Раззакович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.14/30.12.2019.1.84.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «16» июли соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. e-mail: info@ifmr.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. e-mail: info@ifmr.uz

Диссертация автореферати 30 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(20__ йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Т.М.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Х. Отабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.У. Бердивазаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида ҳудудларни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, мавжуд инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутнинг кучайиб бораётганлигидир. Ривожланган мамлакатларда “аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бўйича энг юқори ва энг паст 10 фоизликка қиравчи минтақалар ўртасидаги ўртача тафовут 2010-2020 йилларда 1,7 мартани, ривожланаётган мамлакатларда эса 3,2 мартани ташкил этган. Муайян ҳолатларда иқтисодий салоҳият бўйича мамлакатлар ичидаги ҳудудлар ўртасидаги фарқ мамлакатлар ўртасидаги фарқдан катта бўлмоқда”¹. Шу боис, халқаро кучли рақобат шароитида мамлакат ҳудудларининг ўзаро мутаносиб ривожланишини таъминлашда оқилона инвестиция сиёсати юритишнинг аҳамияти каттадир. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳудудлар инвестиция салоҳиятини мутаносиб ошириб бориш минтақавий иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши эканини кўрсатмоқда.

Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда инвестиция салоҳиятини ошириш орқали минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожлантириш бўйича кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада мамлакатлар доирасида минтақаларни барқарор ривожлантиришда инвестициялар жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, уларни истиқболли тармоқларга йўналтиришни рағбатлантириш, минтақавий инвестиция сиёсатини амалга оширишда маҳаллий давлат органларининг самарадорлигини яхшилаш, инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ҳудудларни комплекс ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш ва инвестиция дастурларини пухта ишлаб чиқиш юзасидан таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Республикада иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутни юмшатиш, улар иқтисодиётига маҳаллий тадбиркорлар маблағлари ва чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш белгиланган. Минтақаларда инвестиция салоҳиятини оширишда алоҳида устувор йўналишлар сифатида ҳудудларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, уларни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишни изчил давом эттириш вазифалари қўйилган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-

¹ <https://blogs.imf.org/2019/10/09/widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies/>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3794-сон “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори ва бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикамиз фан ва технологиялар тараққиётининг истикбол йилларга мўлжалланган I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Хорижий мамлакатларда минтақавий иқтисодиёт ва худудлар инвестиция салоҳиятини оширишнинг концептуал жиҳатлари бўйича тадқиқот ишлари етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute for International Urban Development, Milken Institute Center for Regional Economics and California Center, The Center for Regional Economic Competitiveness, Center for Regional Economics at Temple, Center for Regional Economic Advancement at Cornell University, Center for regional development at Purdue University, Center for Regional Economic Analysis of Sonoma State University, Michigan University Center for Regional Economic Innovation (АҚШ), Centre for Regional Economic and Social Research, Centre for Regional Economic and Enterprise Development of Sheffield University (Буюк Британия), VIVES - The research center for regional economics (Белгия), The Center for Regional Analysis at the University of Gothenburg (Швеция), The Center for Regional Economic Development (Швейцария), Centre for Economic and Regional Studies, Hungarian Academy of Sciences, Hungary – CERSHAS (Венгрия), Institutional Investor (II) (Гонконг), Институт региональных исследований и городского планирования Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики» (Россия), шунингдек, мамлакатимизда Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Минтақаларни ривожлантириш ва инвестиция салоҳиятини ошириш бўйича халқаро миқёсда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: қишлоқ ва шаҳарлар инвестиция салоҳиятини оширишга халқаро тажрибадан ўтган инновациялар трансфери орқали эришиш йўллари аниқланган (Institute for International Urban Development-АҚШ), минтақаларда ишлаб чиқаришни оқилона бошқариш ва ишчи кучидан самарали фойдаланишда “статистик маълумотлар катта базалари”-“big data” таҳлили орқали ёндашиш асосланган (The Center for Regional Economic Competitiveness - АҚШ), минтақалар иқтисодий ўсишини

таъминлаш ва инвестицияларни фаол ўзлаштиришда инновацияларни давлат томонидан рағбатлантириш усули аниқланган (Michigan University Center for Regional Economic Innovation - АҚШ); ижтимоий-иқтисодий номуносибликларнинг худудлар инвестиция салоҳияти ва уларнинг аҳолига таъсири баҳоланган (Centre for Regional Economic and Social Research - Буюк Британия); инсон капиталини ривожлантиришда минтақа инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш усуллари ёритиб берилган (The Center for Regional Analysis at the University of Gothenburg - Швеция); қайта тикланувчи энергия манбаларининг қишлоқ худудлари инвестиция салоҳиятига таъсири очиб берилган (Centre for Economic and Regional Studies - Венгрия); минтақалар иқтисодий ривожланиши омиллари ва самарали инвестиция сиёсати юритиш асослари аниқланган (Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази, Урганч давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети - Ўзбекистон).

Халқаро амалиётда худудларни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: инновациялар трансфери орқали худудлар инвестиция салоҳиятини ошириш; инвестициялар самарадорлигига ишлаб чиқаришни оқилона бошқариш ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш таъсирини баҳолаш; худудлараро ижтимоий-иқтисодий тафовутнинг минтақа инвестиция салоҳиятига таъсирини тадқиқ этиш; муқобил замонавий энергия тизимларининг инвестиция салоҳиятини оширишдаги аҳамиятини баҳолаш; иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инвестицияларни оқилона бошқариш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақавий иқтисодий муаммоларни илмий тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш масалаларига иқтисодчи олимлар алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, хорижлик иқтисодчилар С.Белоусова, Д.Вайнштайн, Х.Валиуллин, Ю.Гаджиев, А.Гранберг, К.Гуадалупе, Э.Гувер, Ж.Данинг, Д.Дэвис, Д.Деньгин, Р.Капелл, В.Кокрен, П.Кругман, И.Лунгэнь, Ж.Пут, Д.Пуго, С.Трухин Р.Фиани, У.Фретеси, М.Фуджит, Дж.Харрис, Ф.Хиолан, К.Хэд, Й.Хуанг³ томонидан

³ Белоусова С.Н. Инвестиционный потенциал территориальных образований разных уровней // Вестник Тамбовского университета. Сер.: Гуманитарные науки. 2009. № 1. С. 376-381. Dunning, J.H., The Eclectic (OLI) Paradigm of International production: Past, Present and Future, International Journal of the Economics of Business, 8(2), 2001, pp. 173-190; Davis D.R., Weinstein D.E. Bones, Bombs and Break Points: The Geography of Economic Activity // American Economic Review. 92, 2002. P. 1269-1289. Валиуллин Х.Х., Шакирова Э.Р. Неоднородность инвестиционного пространства России: региональный аспект // Проблемы прогнозирования. 2004. № 1. С. 157-165. Деньгин Д.Д. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования // Экономический журнал. 2009. Т. 16. № 2. С. 50-56. Гаджиев Ю. Зарубежные новые теории регионального экономического роста и развития// Часопис Економічних реформ №3(15), 2014 г. –С.105-113. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. Учебник для вузов – 4-е изд. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2004. – 495 с. Carmen Guadalupe Juárez Rivera, Gerardo Ángeles Castro Foreign direct investment in Mexico Determinants and its effect on income inequality // Contaduría y Administración. 2013. Vol. 58. № 4. P. 201-222. Hoover, Edgar M. and Giarratani, Frank, "An Introduction to Regional Economics" // Web Book of Regional Science. 4. 2020. P.303. Capello R., Fratesi U. Modelling Regional Growth: An Advanced MASST Model // Spatial Economic Analysis, Vol. 7, No. 3, September 2012. P. 293-318. Cochrane W., Poot J. Demand-Driven Theories and Models of Regional Growth // Handbook of Regional Science. July 2013. P. 259-276; Кругман П. Пространство: последний рубеж // Пространственная экономика, 2005. №3. – С.121-133. Лунгэнь Ин. Экономический рост в Китае: пространственно-экономический анализ // Пространственная экономика, 2005. №1. – С. 133-152. Трухин С.А. Оценка инвестиционной

минтақаларни иқтисодий ривожлантириш ва инвестиция салоҳиятини ошириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлардан М.Абдусалямов, Т.М.Ахмедов, А.В.Ваҳобов, Н.Г.Каримов, А.В.Маматқулов, Ш.И.Мустафақулов, Ш.Х.Назаров, А.Б.Низамов, О.О.Олимжонов, Д.А.Ортиқова, Н.Р.Рахмонов, Б.Рузметов, А.М.Содиқов, А.С.Солиев, Н.Т.Тухлиев, Н.А.Хашимова, Ф.Т.Эгамбердиев, А.Т.Юсупов, А.А.Қаюмов, А.М.Қодиров, С.С.Зокиров, А.А.Рафиев, Х.М.Сайдахмедов, Ш.Ж.Эрмаматов⁴ ва бошқалар томонидан минтақавий иқтисодиётнинг назарий-методологик жиҳатлари, мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция ресурсларини оқилона жойлаштириш ва минтақаларни мутаносиб ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқотларда инвестиция жараёнларининг минтақаларни иқтисодий ривожлантиришга таъсири бўйича маълум назарий ва методологик натижалар олинган бўлишига қарамасдан, иқтисодиётда кузатилаётган эркинлаштириш ва бозор механизмларини жорий этиш шароитида ҳудудларда инвестиция салоҳиятини шакллантириш механизми, мавжуд салоҳиятни баҳолаш ва ундан самарали фойдаланиш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Бугунги воқелик нуктаи назаридан, минтақавий сиёсат ва инвестиция фаолиятини ўзаро боғлаган ҳолда тадқиқот олиб бориш,

привлекательности и инновационного потенциала региона (на примере Алтайского края) // Ползуновский Вестник. 2006. № 3-1. С. 200-203. Harris R. Models of Regional Growth: Past, Present and Future // Urban and Regional Economics Seminar Group Seminar Meeting: University of Glasgow, 10-11 January 2008; Xiaolan Fu, 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007; Head K.C., Mayer T. Market potential and the location of Japanese investment in the European Union // Review of Economics and Statistics. 2004. Vol. 86. № 4. P. 959-972.; Huang, Y. (2003). 'One Country, Two Systems: Foreign-invested Enterprises and Domestic Firms in China'. China Economic Review, 14: 404-16.

⁴ Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр "Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана" при ТГЭУ. -Ташкент, 2015 г.; Ахмедов Т.М. Региональная экономика: Учебное пособие. - М.: изд. РЭА им. Г.В.Плеханова. 2006. -231 с.; Зокиров С.С. Инструменты государственного регулирования комплексного развития регионов Узбекистана. Материалы VI Форума экономистов. Т. II. Ташкент: IFMR, 2015. -С. 94-101. Кадыров А. М. и др. Региональная экономика. - Т.: LESSON PRESS, 2018. -239 с.; Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2007; Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация // Монография. Ташкент, "Узбекистан", 2019 й., - 511 с.; Mamatkulov A.V. The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. "Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan's development strategy". –Tashkent, 2018.; Мустафақулов Ш.И. Худудларнинг инвестицион жозибадорлиги: аниқлашнинг услубий жиҳатлари ва таъсир кўрсатадиган омилларнинг таснифий таҳлил // Молия ва банк иши (илмий электрон журнал) -Тошкент, 2016. – №5. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. –Ташкент: IFMR, 2014. – 212 с.; Низамов А.Б. Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ташкент, 2018 г. - 45 с.; Олимжонов О.О. Вопросы повышения конкурентоспособности сельских районов. Агрэкономика, 2017, №1. - С. 7-12; Ортиқова Д.А. Иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари. "Минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш муаммолари ва ечимлари" мавзусидаги республика илмий –амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2015.; Рахмонов Н.Р. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг минтақавий жиҳатлари. Монография.-Т.: -ТМИ босмахонаси, 2019. -234 б. Рузметов Б. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. Ташкент: Фан, 2002. -220 с.; Хашимова Н.А. Инвестиционный потенциал. Монография. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2014. - 320с. Юсупов А.Т. Развитие и размещение производства товаров народного потребления в Узбекистане: методология, методика проблемы и перспектива. - Т.: Мехнат 1991. -142 с.;

инвестиция ресурсларининг миқдорий кўрсаткичлари билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омилларини эътиборга олган ҳолда ҳудудлар инвестиция салоҳиятини ошириш зарурияти диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-022 рақамли “Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги фундаментал (2017-2021 й.) ва ПЗ-20170929159-рақамли “Марказлашмаган бошқарув шароитида минтақавий ривожланишни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий (2018-2020 й.) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудларини барқарор иқтисодий ривожлантиришда уларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудуд инвестиция салоҳияти тушунчасининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти ҳамда илмий асосларини ёритиб бериш;

фаол минтақавий инвестиция сиёсатининг ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга таъсирини аниқлаш;

минтақа инвестиция салоҳиятини оширишда эркин иқтисодий зоналар ўрнини илмий асослаш;

жаҳон мамлакатларида ҳудудлар юқори иқтисодий ўсишига хизмат қилган инвестиция стратегиялари ижобий тажрибаларини тадқиқ этиш;

ҳудудлар инвестиция салоҳиятини баҳолаш ва инвестициялар самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини шакллантириш;

ҳудудлар иқтисодий ўсишига инвестициялар таъсирини баҳолашнинг замонавий эконометрик усулларини ишлаб чиқиш;

минтақалар иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш;

ҳудудлардаги инвестиция салоҳиятини баҳолаш ва уларни мақсадли гуруҳларга ажратиш;

минтақаларнинг инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда ҳудудий инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш устувор йўналишларини асослаш;

ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш механизминини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестиция салоҳияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари инвестиция салоҳиятини оширишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, жумладан корреляция ва регрессия, қиёслаш ва гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини баҳолаш услугиёти ўнта соҳалар кесимида рейтинг тузишга имкон берувчи субиндикаторларни “нол”дан “бир”гача интервалдаги коэффициентларга айлантириш ва аҳамияти жиҳатидан уларга вазн коэффициентларини бириктириш ёрдамида ягона интеграл кўрсаткични шакллантириш орқали такомиллаштирилган;

“инвестиция меъёри”, “инвестиция мультипликатори”, “инвестиция қайтими” ва “ICOR коэффициенти”ни ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисобга олган ҳолда ўзаро яхлит бир тизимга боғлаш орқали инвестиция самарадорлигини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

инвестиция манбаларининг иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллари ўртасидаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатда маҳаллий инвестицияларнинг хорижий инвестицияларга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига таъсири юқори эканлиги асосланган;

минтақавий инвестиция салоҳиятини ошириш механизми “илғор” ва “чекка” ҳудудларга ажратиш, ҳудудлараро “қўшма дастурлар” ишлаб чиқиш, минтақалараро институционал ва инновация алоқаларни самарали ривожлантириш усуллари орқали такомиллаштирилган;

ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни эътиборга олган ҳолда уларга инвестицияларни жалб қилиш салоҳиятининг 2025 йилгача прогноз параметрларининг сценарий вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш услуги такомиллаштирилган;

минтақалар бўйича инвестициялар жалб қилишнинг нисбий устунликлари ва устувор йўналишлари аниқланган;

ҳудудлар инвестиция салоҳияти ва жалб қилинган инвестициялар самарадорлиги даражасига баҳо берилган;

ҳудудлар инвестиция салоҳиятини ошириш йўллари аниқланган;

ҳудудий инвестиция стратегиясининг илмий асослари ва устувор йўналишлари таклиф этилган;

минтақавий сиёсат ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарияларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлилларнинг математик-статистика ва эконометрик моделлаштириш усуллари ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга

жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асосларнинг мамлакат инвестиция сиёсатида ҳудудлар инвестиция салоҳиятини баҳолаш ва уларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий аппаратни бойитиш, ҳудудларда инвестицияларни бошқариш тизимини яхшилашнинг концептуал асослари, усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти давлат ҳудудий инвестиция дастурларини шакллантиришда инвестиция лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш, ҳудудлар нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш, ҳудудий ривожланиш дастурлари самарадорлигини оширишда қўлланганлигида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимиз ҳудудлари иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш механизмини такомиллаштириш ва инвестиция салоҳиятини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ҳудудлар иқтисодий ўсишига инвестициялар таъсирини баҳолашнинг эластиклик коэффициентлари орқали замонавий эконометрик усуллардан фойдаланиш, ҳудудларда инвестициялар самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари ҳамда ҳудудлар инвестиция салоҳиятини баҳолаш усулларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635 сон Фармони билан белгиланган Вазирлар Маҳкамасининг “2025 йилгача Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисидаги қарори, “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 13 августдаги СС-3-1/20-148 сон маълумотномаси). Таклиф этилган илмий ёндашувлар минтақалар бўйича инвестиция дастурларининг устувор йўналишларини аниқлаш ва ҳудудлар инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлларини очиб берган;

республика ва ҳудудий инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятини асословчи таклифлар, ҳудудлар иқтисодий ривожланишига инвестициялар таъсири, уларнинг самарадорлиги ва инвестициялар таркибий тузилишини таҳлил қилиш натижаларидан 2019 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Сенат ҳисоботида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенатининг “Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари” кўмитасининг 2019 йил 2 декабрдаги кўмита раиси имзоси билан тасдиқланган маълумотнома). Ушбу илмий натижаларнинг амалиётда қўлланилиши “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли давлат органлари ва минтақалардаги маҳаллий ҳокимликлар томонидан ижро этилиши жараёни сифатини оширди, маҳаллий бюджетлар салоҳиятини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди;

мамлакатимиз ҳудудларига инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишнинг устувор йўналишлари ва шакллари, ҳудудларнинг инвестицияларни ўзлаштириш бўйича заҳира ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш истиқболлари, ҳудудий инвестиция сиёсати стратегиясини шакллантириш усуллари бўйича таклифлар Сирдарё вилояти кичик саноат зоналари дирекцияси томонидан инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекциясининг 2019 йил 11 октябрдаги 4с-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий этиш натижасида кичик саноат зоналари дирекцияси ҳудудидаги “Muzaffar savdo Fayz” МЧЖда сутни кайта ишлаш, “Хавасим ширинликлари” МЧЖда шоколад ишлаб чиқаришни ташкил этиш, “Snoxzodbek Yangiyer Group” МЧЖда пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш каби инвестиция лойиҳалари самарадорлигини оширишга эришилган;

ҳудудларда юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган инвестиция стратегиялари юзасидан хорижий ижобий тажрибалар, инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишнинг йўналишлари ва замонавий шакллари, мавжуд заҳира ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан ҳудудларда “Банк миссияси” ва “Ривожланиш стратегияси”ни ишлаб чиқиш жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2019 йил 26 августдаги 01-33/2673 сон маълумотномаси). Натижада “Трастбанк” активлари ва капитал рентабеллигининг ошиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, жумладан 12 таси республика, 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 233 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Худудларни барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида муаллиф томонидан худудларни иқтисодий ривожлантиришда оқилона минтақавий иқтисодий сиёсат юритишга оид назарий асослар, минтақавий инвестиция салоҳияти тушунчасининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти ва илмий асослари, фаол худудий инвестиция сиёсатининг уларни иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятига оид илмий ёндашувлар акс эттирилган.

Минтақавий иқтисодиётнинг замонавий назариялари ва илмий концепциялари ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва минтақа иқтисодиёти таркиби, янгиликлар диффузияси, ўсиш кутблари, ривожланиш ўқи, инфратузилма назарияси, агломерация, кумулятив ўсиш, минтақа иқтисодий ўсиши омиллари каби тадқиқот йўналишлари кесимида гуруҳлаштирилган. Худудлар инвестиция салоҳиятини оширишда кумулятив ўсиш назарияларининг аҳамияти очиб берилган. Кумулятив ўсиш назарияларининг энг кўзга кўринган вакиллари қаторида Г.Мюрдаль, А.Хиршман, Ф.Перру, Х.Ричардсон, Дж.Фридман, Т.Хэгерстренд, П. Потье, Ҳ.Ласуэн, Х. Гирш каби муаллифларнинг илмий ёндашувлари ёритиб берилган. Минтақалар ривожланиши ва улар инвестиция салоҳиятининг ошишида ўсиш марказлари ва унинг тарқалиш каналларининг худудлар бўйича иқтисодиётда пайдо бўлиши, агломерациялар ва марказий жойларнинг шаклланиши, инновацияларнинг тарқалиши, чекка худудлар ривожланиши, масштабдан доимий қайтим мавжудлиги, эркин рақобат шароитида нотекис ўсиш каби омилларни ҳисобга олиш зарурияти илмий асосланган.

Мазкур назариялар асосида диссертацияда минтақаларга инвестициялар жалб қилишнинг муҳим омиллари қаторида ихтисослашув ёки худудий меҳнат тақсимооти, транспорт харажатлари, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлиги, ўсиш кутбларининг келиб чиқиши, агломерация самараси ва уни шакллантириш омиллари, инновациялар ва бошқа янгиликларнинг тарқалиш каналлари, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатсизлиги билан боғлиқ маҳаллийлаштириш жараёнлари ҳамда минтақаларнинг индивидуал хусусиятлари келтирилган. Кумулятив ўсиш назарияларининг камчиликлари сифатида кичик корхоналар ролининг ҳисобга олинмаганлиги, минтақа хусусиятларини деярли ўзида ифодаламайдиган йирик саноат корхоналарини

жойлаштиришга катта урғу берилгани, минтақавий ишлаб чиқариш тизимининг ички изчиллигига эътибор берилмаганлигини санаб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган минтақавий сиёсат ҳамда ҳудудий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқишда инновацияларнинг шаклланиши ва ҳудудлараро тарқалишини тушунтирувчи “янгиликлар диффузияси” назариялари (Й.Шумпетер, Т.Хэгерстренд, П.Хаггет, Б.Бери, У.Макнейл, В.Томпсон), ҳудудларда ишлаб чиқариш драйверларини аниқлашга қаратилган “ўсиш кутблари ва марказлари” назариялари (Ф. Перру, Ж. Будвиль, Х. Ласуэн, В. Кристаллер, Э.Венаблес), муҳим саноат марказларини боғлашда транспорт каналларининг ролига оид “ривожланиш ўқи” концепцияси (П. Потье, Ф. Перру), минтақаларни ривожлантириш ва ўзаро интеграциясини таъминлашда инфратузилманинг ролини очиб беришга қаратилган назариялар (П. Розенштейн-Родан, Р. Нурксе, А. Хиршман, П. Самуэльсон, Э. Хансен, Дж. Кларк, У. Росто, А. Янгсон) инobatга олиниши зарурлиги асослаб берилган.

Инвестиция салоҳияти мамлакат, ҳудуд ёки корхона даражасида аниқланиши мумкин. Турли илмий манбаларда турлича ёндашувлар берилганлиги сабабли минтақа инвестиция салоҳиятини кўрсатувчи стандарт келишилган ягона кўрсаткич мавжуд эмас. Аксарият замонавий илмий манбаларда инвестиция салоҳияти кўп омилли ва таркиб жиҳатдан серқирра эканлиги ифодаланган. Илмий манбаларда инвестиция салоҳияти асосан инвестиция ресурсларининг йиғиндиси, табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий салоҳият, иқтисодий-географик шароит, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби, бозорнинг жозибадорлиги, қонунчилик базаси, давлат органлари самарадорлиги каби омиллар мажмуаси сифатида келтирилган (1-жадвал).

Иқтисодчи-олим А.М.Содиқовнинг ёндашувига кўра, муайян минтақада инвестиция салоҳияти ундаги табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий салоҳият билан аниқланади⁵. Унинг тадқиқотларида келтирилишича, фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олибгина капитални жалб қилишдан кутилаётган самарага эришиш ва уни иқтисодиётни жадал ривожлантиришга йўналтириш мумкин.

Баъзи муаллифлар эса ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини белгиловчи омиллар сифатида бешта асосий йўналишни ажратиб кўрсатади⁶: ресурсли (жойнинг мавжудлиги, асосий капиталга инвестициялар, хорижий инвестициялар), инновациявий (технология трансфери марказлари, инновацион маҳсулотлар ҳажми, иқтисодиётда инновацион корхоналар улуши), институционал (концепциялар ва дастурлар, бошқарув, давлат дастурларида қатнашиш), ташкилий (минтақавий инвестиция фондлари, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги), ахборот (инвестиция форумлари, ярмаркалар, танловлар,

⁵ Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198-201.

⁶ Kosinova N.N., Tolstel M., Chekalkina A.A. Comprehensive Evaluation of Investment Potential (The Case of the Southern Federal District) // Asian Social Science. 2014. Vol. 10. № 23. P. 231-243.

инвестиция сиёсати ҳақида минтақавий бошқарув органлари сайтларида маълумотнинг мавжудлиги, минтақанинг кредитга қобиллиги).

1-жадвал

**Минтақа инвестиция салоҳияти омилларига оид замонавий
илмий қараш ва ёндашувлар⁷**

№	Илмий ёндашув ва муаллифлар
1.	Минтақа инвестиция салоҳияти ундаги табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий салоҳият билан аниқланади А.М.Содиқов
2.	Инвестиция салоҳияти бу маълум даражада тартиблашган инвестиция ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, улардан фойдаланиш синергизм самарасига эришишни таъминлайди А.М.Марголин
3.	Инвестиция салоҳиятини меҳнат, истеъмол, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инновацион, инфратузилма ва табиий-ресурс салоҳиятларини баҳолаш орқали аниқланади С.А.Трухин
4.	Иқтисодий-географик шароит, ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби минтақа инвестиция салоҳиятини белгилайди Д.Д.Деньгин
5.	Хомашё ресурслари, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, иқтисодий-географик ҳолат, интеллектуал, институционал, инновацион салоҳиятларини йиғиндиси сифатида баҳоланади С.В.Зенченко, М.А.Шемёткина
6.	Инвестицияларга бўлган эҳтиёжни (инвестиция талаби ва таклифи) кондирувчи объектив хусусиятлар, воситалар, имкониятлар, омиллар (инвестиция ресурслари ва улардан фойдаланиш йўналишларининг мавжудлиги) йиғиндиси сифатида тушунади Л.Д.Зубкова
7.	Инвестициялардан даромадни шакллантириш ва инвестиция рискларига салмоқли таъсир кўрсатувчи инвестиция муҳити, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, инвестиция ресурслари ва бошқа омилларни жалб қилиш имкониятлари Л.А.Семина
8.	Инвестиция жозибадорлиги нафақат молиявий-иқтисодий омилларга, балки қонунчилик, бошқарув, ижтимоий ва экология соҳаларидаги рисклар, инфратузилма, инновация, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятига ҳам боғлиқ эканлиги асосланган Ю.А.Гаджиев, В.И.Акопов ва Т.С.Крестовских
9.	Меҳнат (меҳнат ресурслари ва уларнинг таълим даражаси), инфратузилма (иқтисодий-географик жойлашув ва инфратузилма билан таъминланганлиги), молия (солиқ базаси ҳажми, минтақа корхоналари даромадлилиги, аҳоли даромадлари), ишлаб чиқариш (минтақада аҳоли хўжалик фаолияти ялпи натижаси), инновацион (минтақада фаннинг ривожланиш ва илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий қилиш даражаси), истеъмол (аҳолининг умумий ҳарид қобилияти), табиий-ресурс (асосий табиий ресурсларнинг баланс захиралари билан ўртача тортилган таъминланганлик) салоҳияти В.В.Никитин, А.С.Краснов ва А.А.Назаров
10.	Ресурсли (жойнинг мавжудлиги, инвестициялар), инновациявий (технология марказлари, иқтисодиётда инновацион корхоналар улуши), институционал (концепциялар ва дастурлар, бошқарув, давлат дастурларида қатнашиш), ташкилий (минтақавий инвестиция фондлари, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги), ахборот (инвестиция форумлари, ярмаркалар, танловлар) омиллар йиғиндиси Kosinova N.N., Tolstel M., Chekalkina A.A
11.	Инфратузилма, меҳнат салоҳияти, агломерациялар ва бошқа омиллар инвестиция салоҳиятини белгилайди S.V. Alecsandru, D. A. Raluca.
12.	Даромадлар даражаси, бозор ҳажми, инсон капитали, инфратузилма, географик жойлашув C.Guadalupe, A. Castro
13.	Меҳнат, инфратузилма, молия, ишлаб чиқариш, инновацион, истеъмол, табиий-ресурс салоҳияти Nikitin V.V., Artem S.
14.	Макроиқтисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, маҳаллий капитал бозорларининг ривожланиши, бошқарув муҳити, қонунчилик базаси, давлат органлари самарадорлиги, коррупция даражаси ва бозор шароитлари Emirullah Ch., Azam M.

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

Илмий қараш ва ёндашувларни таҳлил қилиш натижасида “ҳудуд инвестиция салоҳияти”га қуйидагича муаллифлик илмий таърифи шакллантирилган: ҳудуд инвестиция салоҳияти - кўп омилли ва таркиб жиҳатдан серқирра бўлиб, муайян минтақа доирасидаги тўпланган инвестиция ресурслари, табиий-географик салоҳият, маҳаллий бюджет ва тадбиркорлик салоҳияти, ишлаб чиқариш омиллари, истеъмол қобилияти, инфратузилма даражаси, инновация омиллари, меҳнат ресурслари, институционал салоҳият омиллари билан аниқланувчи инвестицияларни ўзлаштира олиш кўлами имкониятлари йиғиндисидир.

Ҳудуд инвестиция сиёсати - бу минтақанинг барқарор ва ижтимоий йўналтирилган ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги ваколатли ва бошқарув органлари томонидан барча мулкчилик шаклларига тегишли инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тизимидир. Мамлакатдаги инвестиция сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг шаклланишида макроиқтисодий ва минтақавий жиҳатлар қанчалик ҳисобга олинганлиги, марказ ва ҳудудларнинг умумий иқтисодий натижаларга эришишда улар фаолиятининг ўзаро оқилона келишилгани ва мувофиқ эканига боғлиқ. Ўз захиралари ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйи минтақавий иқтисодий тизим умумий иқтисодий маконни мустаҳкамлашга ёрдам берганлиги боис мамлакатда ҳудудлараро интеграциянинг афзалликларини ўзлаштира олиш миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий бўғини ҳисобланади.

Ҳудудлар инвестиция салоҳиятини ошириш муҳим йўналишларидан бири бу хорижий инвестицияларни ҳудудлар томонидан оқилона тартибга солиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, хорижий инвестициялар, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг минтақалар иқтисодий ўсишига таъсири бўйича илмий қарашларни таҳлил қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Р.Нарула, М.Бломстром, Л.Демелло, Е.Боренштейн, Х.Дегригорио, Ф.Ванлу каби иқтисодчиларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, хорижий инвестицияларни минтақаларга кўр-кўрона жалб қилиш ҳар доим ҳам иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмайди. Қачонки иқтисодиётда технология трансфертлари ишчилар малакасини ошириш ва янги билимларни эгаллаш, замонавий бошқарув ва ташкилий усулларни ўргатиш орқали қабул қилувчи ҳудуд билим захирасини оширсагина хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсири кузатилади. Шундай экан, чет эл инвестицияларининг ҳудуд инвестиция салоҳиятини оширишни таъминлашдаги ижобий таъсирга етишиш учун минтақаларда иқтисодиётни эркинлаштириш, эркин савдо ва инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш билан бирга давлат томонидан оқилона ҳудудий инвестиция сиёсатини ҳам таъминлаш зарур.

Тадқиқотнинг **“Минтақаларни мутаносиб ривожлантиришда инвестиция ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича жаҳон тажрибаси”** номли иккинчи бобида инвестиция стратегиясининг моҳияти ва унинг иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги аҳамияти, инвестиция салоҳиятини оширишда хорижий инвестицияларнинг

аҳамиятига оид назарий қарашлар ва жаҳон мамлакатларида ҳудудлар юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаган муваффақиятли инвестиция стратегиялари тажрибалари ифодаланган.

Муаллиф томонидан минтақаларда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларга инвестицияларни фаол ўзлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишда ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ экани асосланган. Минтақалар инвестиция стратегиялари эса ўз навбатида мамлакатни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб олинган стратегик режалар ва устувор йўналишлар билан уйғун бўлиши ҳамда унга асосланиши даркор. Муаллиф томонидан инвестиция стратегиясини инвестиция фаолиятининг турли хил мақсадлари, устуворликлари, йўналишлари ва чегаралари, шунингдек, миллий инвестиция сиёсатини ҳисобга олган ҳолда, қабул қилинган республика ва минтақавий ривожланиш дастурларида белгиланган қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича ташкилий, маъмурий ва молиявий-иқтисодий чора-тадбирлар тизими сифатида очиб берилган.

Инвестицияларни бошқариш жараёнида ҳудудлар даражасидаги ижро органлари фаол иштирокини таъминлаш ва инвестиция дастурларни самарали амалга оширишда муаллиф жаҳон тажрибасига асосланиб қуйидаги тўғридан-тўғри усуллардан фойдаланишни таклиф этган:

- ✓ мақсадли тармоқли ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш;
- ✓ маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш;
- ✓ тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар орқали инвестиция жараёнларига таъсир этиш;
- ✓ ҳудудий стандартлар ва нормаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- ✓ ҳудудий акция назорат пакетлари инструментидан фойдаланиш;
- ✓ вилоят ва шаҳар мулкӣ ҳуқуқлар тизимини мувофиқлаштириш;
- ✓ истеъмол бозорида талабни рағбатлантириш ва нархларни тартибга солиш;
- ✓ ишлаб чиқариш харажатларини субсидиялаш;
- ✓ давлат буюртмалари орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- ✓ назорат ва тартибга солиш ва б.

Ҳудудлар инвестиция фаоллигини ва ҳудудий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш мумкин. Иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир аниқ давридаги инвестициялар учун реал ресурслар ҳажми кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш устуворлиги - истеъмол ёки жамғаришга боғлиқ. Шу боис, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш сиёсатининг мақсади минтақалар, ҳудуднинг таркибий тузилмалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашидир. Бунда ҳудудий инвестиция сиёсати эса ҳудуд аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, юқори сифатли иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, минтақа ва унинг ҳудудлари глобал рақобат мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши даркор.

Минтақадаги инвестиция сиёсатининг асосини стратегик мақсадлар, яъни инвестицион фаолиятни узоқ муддатли истиқболда тўғри йўналтириш ва эришилган натижаларни баҳолашга имкон берадиган стратегик инвестиция позициясининг кутилаётган формаллашган параметрлари ташкил этади. Улар бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

- аниқ бўлиши, муддатлар ва натижаларнинг равоён белгилаб қўйилиши, режалаштирилган ҳаракатларни қайси йўналишда бажариш кераклигининг аниқ кўрсатиб берилиши;

- реалистик ва мақсадга мувофиқ бўлиши, инвестицион салоҳият ва иқтисодий маконнинг бошқа хусусиятларини, шунингдек ижрочиларнинг ваколатларини ҳисобга олиши;

- мос бўлиши, бу минтақавий ривожланишнинг умумий стратегияси мафқурасига мос келиши ва республика доирасидаги инвестиция стратегиясида узвийликни сақлашни аниқлатади;

- мослашувчан ва ўзгарувчан бўлиши, янги шароитлар ва давр талабларини инобатга олган ҳолда, атроф муҳитда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар билан мувофиқлаштириш имкониятининг қолдирилиши;

- мутахассислар томонидан миқдорий жиҳатдан ўлчана ва баҳолана олиниши ва б.

Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари ва стратегияси нафақат мамлакат доирасида, балки ушбу мамлакатнинг ички ҳудудлари даражасида ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. У ўз ичига келажакдаги ривожланишни белгилайдиган стратегик мақсадлар, уларга эришиш механизми, танланган вазифаларни амалга оширишга жалб қилинадиган ресурслар, мақсадларга эришишни таъминловчи бошқарув тизими, самарадорлик кўрсаткичлари ва мўлжалланган натижаларни олиши мақсадга мувофиқ. Инвестиция ресурсларини тартибга солишнинг концептуал асослари мақсад, вазифалар, муҳит таҳлили, кучли ва кучсиз томонларнинг аниқланиши, муқобил усуллар таҳлили, ресурс билан таъминланганлик, стратегияни жорий этишни бошқариш, натижаларни баҳолашни ўз ичига олади. Инвестиция стратегияларини шакллантиришда эса мақсадлар реал имкониятларни акс эттириши, миқдор жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган ва аниқ шакллантирилган бўлиши, керакли даражада мослашувчан бўлиши, ривожланишнинг бошқа мақсадларига путур етказмаслиги, инвестицион фаолиятнинг барча иштирокчилари манфаатларига жавоб бериши керак.

Ҳудудий ривожланиш стратегиялари ва дастурларини муваффақиятли амалга ошириш ва ҳудудлар инвестиция салоҳиятини оширишда хорижий инвестицияларни фаол ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш фаолиятнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудларининг хомашё ва энергия ресурсларига бойлиги, арзон ишчи кучига ва нисбатан йирик истеъмол бозорига эгаллиги хорижий инвесторлар учун жозибador бўлган омиллар ҳисобланади. Бунда эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳудуд чет эллик инвесторларни жалб қила олиши учун етарлича қулай инвестиция муҳитини шакллантира олиши, хорижий инвестициялар орқали эса ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш, инновацияларни жорий этиш, замонавий бошқарув усулларидан фойдаланиш, кўшимча молиялаштириш манбаларига эга бўлиш имкониятлари яратилади.

Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг хориж тажрибасини ўрганишда Аргентина, Австралия, Канада, Хитой, Европа Иттифоқи, Индонезия, Жанубий Корея, Туркия каби давлатлар инвестиция стратегиялари ўрганилди. Ушбу мамлакатлар инвестиция стратегияларида асосий эътибор хусусий секторга кенг имкониятлар яратишга қаратилган. Давлат инвестициялари эса инфратузилма, энергетика, соғлиқни сақлаш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш, инновациялар, инклюзив ўсишга йўналтирилган. Инвестиция сиёсатини амалга оширишда алоҳида мамлакатлар ўзига хос тажрибалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аргентина миллий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида давлат инвестицияларининг хусусий инвестицияларни кўпайтиришни рағбатлантиришдаги ролини ошириш ва бу орқали кенг қамровли инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш мақсадини келтириш мумкин.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакати бўлган Австралия минтақаларида инвестициялар тоғ-кон саноатидан ташқари бошқа тармоқларга ҳам кенгрок кириб бориши натижасида иқтисодиётда ўзига хос трансформациялашув жараёнини таъминлаган. Австралия ҳукумати инфратузилмани ривожлантириш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқди.

Сўнгги йилларда Канада ҳукумати иқтисодиётга янги йўналишда ёндашиб, минтақалар имкониятларидан тўлақонли фойдаланган ҳолда иқтисодиётнинг ўсиши зарур бўлган асосий кучлар сифатида инвестицияларни транзит, экологик инфратузилма ва ижтимоий инфратузилма соҳаларига киритишни рағбатлантирмоқда. Давлат келажакда алоҳида минтақалар барқарор ўсишни таъминлашда инновациялар, яшил инфратузилмани ривожлантиришга, маҳаллий сув ва оқава сув иншоотлари, тоза энергия ва иқлимга мос инфратузилмага янги сармояларни киритишни режалаштирган.

Хитой минтақалари ва қишлоқ жойларида электр тармоғини модернизация қилиш, сувни тежаш, дон омборхоналари ва канализация сингари соҳаларига кўпроқ маҳаллий ва хусусий маблағларни жалб қилиш, ҳудудларда янги вужудга келаётган ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини ошириш, замонавий логистикани ривожлантириш ва шаҳар темир йўл транспортини тараққий эттиришга инвестициялар киритишни рағбатлантирган. Ортда қолаётган минтақаларни ривожлантиришда саноат тармоғига инвестициялар киритган ҳолда мобиль интернет, булутли технологиялар, оммавий маълумотлар ва буюмлар интернетини замонавий ишлаб чиқаришга жорий этган. Келгуси 5 йил учун инвестиция устуворликларини белгилаб берадиган миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг 13-беш йиллик режаси бўйича инвестицияларни жалб қилмоқда.

Европа Иттифоқи аъзоларнинг ҳолати турлича бўлса-да, уларнинг кўпчилиги томонидан илгари сурилган учта йўналиш инвестицияларни жалб

қилишда устувор бўлиб келмоқда: инвестиция экотизимини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш орқали мувозанатли ва барқарор ўсишни мустақкамлаш. Европа Комиссияси “Европа учун инвестиция режаси”ни тузган бўлиб, ушбу режа учта йўналишдан иборат бўлган: (1) инвестицияни молиялаштиришни амалга ошириш; (2) лойиҳанинг барча босқичларида техник ёрдамни ошириш, шунингдек, лойиҳалар портфели шаффофлигини таъминлаш; ва (3) инвестицияларга тўсиқларни олиб ташлаш.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакати бўлган Индонезия эса минтақалар инвестиция стратегияларини шакллантиришда алоқа тармоқлари, денгиз ва темир йўллар, пуллик йўллар ва рақамли уланишни шакллантириш, қуруклик билан алоқалар интеграциялашувини кучайтириш, энергия ва сув инфратузилмасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантирган.

Юқорида келтирилган жаҳон тажрибаси асосида мамлакатимиз ҳудудлари учун инвестиция стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг бир неча босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин. Аввало ҳудуднинг макроиктисодий даражадаги таҳлили амалга оширилиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муҳит хусусиятлари ва технология имкониятлари аниқланиши мақсадга мувофиқ. Навбатдаги ҳолатда эса инвестиция муҳити таҳлил қилиниб, табиий салоҳият, бизнес шароитлари, ҳудудий режалаштириш ҳужжатлари каби йўналишлар ўрганилади. Кейинги босқичда эса стратегик йўналишларни аниқлаш учун потенциал стратегик ривожланиш йўналишлари таҳлили, ҳудуднинг SWOT таҳлили амалга оширилади, стратегик йўналишлар шакллантирилади, инвестиция фаолияти устувор йўналишлари танланади. Охирги қарор қабул қилиш босқичида эса инвестицион фаолият устувор йўналишларини амалга ошириш муқобил шакллари ишлаб чиқилади, самарадорлик муқобил индикаторлари шакллантирилади ва баҳоланади. Сўнгги босқичда энг мақбул муқобил вариант аниқланади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон минтақалари иқтисодиётини ривожлантириш ва инвестиция салоҳиятини оширишда давлат инвестициялари, аввало, инфратузилмани ривожлантириш, инсон капитали сифатини ошириш, хусусий секторни рағбатлантириш, “билимлар” ва “яшил” иқтисодиётни шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, энергетика тизимини ислоҳ қилиш, “рақамли” технологияларни яратиш соҳаларига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Ҳудудлар инвестиция салоҳиятини баҳолаш усуллари”** деб номланган учинчи бобида минтақалар иқтисодий ўсишига инвестициялар таъсирини баҳолашнинг замонавий эконометрик усуллари, ҳудудларда инвестициялар самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари ва минтақалар инвестиция салоҳиятини баҳолаш усуллари баён этилган.

Муаллиф БМТнинг Савдо ва ривожланиш конференцияси ташкилотининг инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳоловчи регрессион таҳлил усуллари таҳлил қилиш асосида қуйидаги моделни таклиф этади. Бунда иқтисодий ўсишни таъминловчи манбалар сифатида ялпи инвестициялар, жалб қилинадиган хорижий инвестициялар, аввалги даврдаги иқтисодий ўсиш,

таълим даражаси, ишчи кучи, инфляция, реал даромад каби омиллар келтирилган:

$$ROG_{(t)} = f [ROG_{(t-1)}, INV_{(t-1)}, FDI_{(t-1)}, SCH_{(t)}, PART_{(t)}, PR_{(t)}, RGD/US_{(t)}], (1)$$

бу ерда $ROG_{(t)}$ - реал жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот $ROG_{(t-1)}$ – аввалги даврдаги (йилдаги) реал жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот, $INV_{(t-1)}$ - аввалги даврдаги (йилдаги) ялпи ички маҳсулотдаги инвестиция харажатлари, $FDI_{(t-1)}$ – аввалги даврдаги (йилдаги) номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан кирувчи ТТХИ оқимлари фоиз улуши, $SCH_{(t)}$ - давр бошидаги таълим даражаси, $PART_{(t)}$ - иқтисодий фаол аҳолининг ўзгариши, $PR_{(t)}$ - жаҳондаги нархга нисбатан мамлакатдаги нарх даражаси ўзгариши, $RGD/US_{(t)}$ – бошланғич даврда АҚШдаги даражага нисбатан мамлакат аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадни ифодалайди.

Диссертацияда инвестициялар самарадорлигини баҳолашда инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, инвестиция акселератори, ICOR коэффиценти, инвестиция қайтими коэффицентидан фойдаланиш таклиф этилган. Муаллиф мазкур кўрсаткичларни танлашда инвестицияларнинг ҳажм жиҳатидан миқдорий ўзгаришини эмас, балки уларнинг ўзгариши иқтисодийётга қанчалик самара бера олишини ифодалашга урғу берган.

Муайян даврда умумий иқтисодий ўсишнинг ҳудди ушбу даврдаги инвестициялар умумий ўсиш суръатига нисбати инвестицияларнинг самарадорлик даражасини кўрсатади. Шунинг учун муаллиф ҳудудларда ушбу коэффицентни ҳудуд ялпи даромади ўзгаришининг инвестициялар ўзгаришига нисбати билан аниқлашни таклиф этган. Уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\text{ҲИМ} = \frac{\Delta\text{ХД}}{\Delta\text{КИ}}, (2)$$

бу ерда ҲИМ - ҳудудда инвестиция мультипликатори, $\Delta\text{ХД}$ - ҳудуд ялпи даромадининг ўзгариши, $\Delta\text{КИ}$ - ҳудудда асосий капиталга инвестициялар ўзгариши.

Муаллиф томонидан ҳудудлар инвестиция самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган бошқа яна бир кўрсаткич сифатида ишлаб чиқаришнинг капиталга нисбатан қўшимча харажатларини ифодаловчи ICOR (Incremental Capital-Output Ratio) коэффиценти таклиф этилган⁸. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин.

$$ICOR = \frac{\text{Инв}/\text{ЯХМ}}{\Delta\text{ЯХМ}/\text{ЯХМ}}, (3)$$

⁸http://en.wikipedia.org/wiki/Incremental_capital-output_ratio, <http://www.investopedia.com/terms/i/icor.asp>

бу ерда *ICOR* – ишлаб чиқаришнинг капиталга нисбатан кўшимча харажатлари коэффиценти, *Инв* – инвестиция ҳажми, *ЯҲМ* – ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, *ДЯҲМ* – ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аввалги йилга нисбатан ўзгариши. Бу формула асосида айтиш мумкинки, инвестицияларнинг *ICOR* коэффиценти ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан инвестициялар улушини ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатига нисбати билан ҳисобланади.

Диссертацияда тадқиқотчи томонидан ҳудудларда инвестициялар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш ва инвестиция фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш йўллари очиб берилган:

$$\text{ИСФИ} = (\text{ҲИ/РИ}) / (\text{ЯҲМ/ЯИМ}), (4)$$

бу ерда *ИСФИ* - ҳудудда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси, *ҲИ* - ҳудудда асосий капиталга инвестицияларнинг жорий даврда ҳажми, *РИ* – республикада асосий капиталга инвестицияларнинг жорий даврдаги ҳажми, *ЯҲМ*- ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, *ЯИМ* – ялпи ички маҳсулот ҳажми.

Муаллиф диссертацияда юқорида келтирилган самарадорлик кўрсаткичларидан ташқари, ҳудудлар инвестиция салоҳиятини баҳолаш тизимини ҳам таклиф этган. Бунда инвестиция салоҳияти кўп омилли кўрсаткич бўлиб, кенг кўламдаги табиий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий характерга эга бўлган шароит ва имкониятларни акс эттириши илмий асосланган. Шунинг учун, муайян ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини баҳолаш учун тадқиқотнинг мақсадлари ва мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мос кўрсаткичлар тизимини шакллантириш зарурлиги алоҳида эътироф этилган. Шунингдек, Ўзбекистон минтақаларида ишлаб чиқариш қувватларини оқилона жойлаштириш, уларнинг нисбий устунликлари ва ўсиш захираларини ҳисобга олиб чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун инвестиция салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгаллиги ёритиб берилган.

Диссертацияда муаллиф томонидан мамлакатимизнинг табиий ва меҳнат ресурсларига бойлиги, унда салмоқли истеъмол бозорининг мавжудлиги, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги, кенг кўламда илмий-таълим ислохотларининг амалга оширилаётганлиги ҳисобга олинган. Шулардан келиб чиқиб, ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини баҳолашда инвестиция фаоллиги, ишлаб чиқариш, табиий-ресурс, истеъмол, меҳнат, инфратузилма, институционал, илмий-таълим, экспорт ва инновация интеграл кўрсаткичларидан фойдаланиш таклиф этилган (2-жадвал).

Мазкур интеграл кўрсаткичлар биргаликда инвестиция фаолиятига қараганда кўпроқ умумиқтисодий салоҳиятни ифодалагани ва мажмуавий характерга эга бўлгани учун, уларни инвестиция салоҳиятини баҳолашда аҳамияти жиҳатидан тенг улушларда фойдаланиш тавсия этилмаган. Ҳисоб-китоб жараёнида инвестиция салоҳиятини ташкил этувчи ҳар бир йўналишга

(субиндекс) аниқланган қўйидаги вазн коэффициентни фоизларидан фойдаланамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон минтақаларининг инвестиция салоҳиятини баҳолаш тизими⁹

1.Инвестиция фаоллиги	2.Ишлаб чиқариш	3.Табийий-ресурс	4.Истеъмол	5.Меҳнат
-Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръати. -ЯХМда инвестициялар улуши. -ЯХМда хорижий инвестициялар улуши. -Худуднинг инвестицияларни ўзлаштириш бўйича республикадаги улуши. -Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми.	-Ялпи ишлаб чиқариш концентрацияси. -Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯХМ ҳажми. -ЯХМ ўсиш суръатлари.	-Минтақа майдонининг республика ҳудуди майдонидаги улуши. -Минерал хомашё ресурслари табиий захираларининг мавжудлиги. -Табийий хомашё ва энергетика маҳсулотлари (электр энергияси, ёқилғи, металлургия, пахта тозалаш) ишлаб чиқаришнинг ЯХМдаги улуши.	-Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача умумий даромад. -Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача реал ихтиёрдаги даромад. -Минтақадаги ўртача ойлик иш ҳақининг умумреспублика кўрсаткичига нисбати.	-Меҳнат ресурсларида бандлар сони улуши. -Умумий аҳоли сонида меҳнат ресурслари улуши. -Меҳнат унумдорлиги (ЯХМнинг иқтисодий ёта бандлар сонига нисбати).
6.Инфратузилма	7.Институционал	8.Илмий-таълим	9.Экспорт	10.Инновация ва унумдорлик
-1000 кв. км майдонга нисбатан умумий фойдаланиладиган ишга туширилган темир йўл узунлиги зичлиги. -1000 кв. км майдонга нисбатан қаттиқ қопламали умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари узунлиги зичлиги. -100 кишига тўғри келадиган умумий фойдаланиш тармоғидаги стационар телефонлари аппаратлари сони.	-Ҳар 100 минг кишига тўғри келувчи тижорат банклари ва уларнинг филиаллари сони. -Ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони. -ЯХМда кичик корхоналар улуши. -Товар ва хизматлар умумий экспортида қўшма корхоналар маҳсулотлари улуши.	-Умумий аҳоли сонида фан доктори ва номзодлари улуши. -Умумий аҳоли сонида олий ўқув юрти битирувчилари улуши. -Умумий аҳоли сонида ЎМКХТ битирувчилари улуши.	-ЯХМда экспорт улуши. -Аҳоли жон бошига тўғри келувчи экспорт ҳажми. -Экспорт ихтисослашуви коэффициенти.	-Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми. -Ташкилотлар томонидан бажарилган аҳоли жон бошига тўғри келувчи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳажми. -Аҳоли жон бошига тўғри келувчи жорий этилган технологик инновациялар сони.

Мазкур вазн коэффициентни улушлари йиғиндиси 100 фоизни ташкил этади. Умумий кўрсаткичдаги хусусий индикаторлар вазн коэффициентларини

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

аниқлашда бизнинг ўз эксперт баҳолашимиз ва халқаро тажрибага (“Эксперт РА” услуги)¹⁰ асосланилди:

- инвестиция фаоллиги – 20 фоиз;
- ишлаб чиқариш омили – 15 фоиз;
- табиий-ресурс омили – 9 фоиз;
- истеъмол омили – 9 фоиз;
- меҳнат омили – 9 фоиз;
- инфратузилма омили – 8 фоиз;
- институционал омили – 8 фоиз;
- илмий-таълим омили – 8 фоиз;
- экспорт омили – 8 фоиз;
- инновация ва унумдорлик омили – 6 фоиз¹¹;

Юқорида келтирилган инвестиция салоҳияти алоҳида омиллари коэффициентларини ҳисоблаш яхлитланган хусусий параметрларни минтақанинг нисбий ўрнини кўрсатувчи янада умумий кўрсаткичга бирлаштиришни назарда тутди. Интеграл рейтинг ҳисоб-китоблари натижалари асосида мамлакат алоҳида ҳудудларининг турли йўналишлар бўйича инвестиция салоҳияти даражаси баҳоланади. Мазкур баҳолаш натижалари асосида эса мамлакат ҳудудларини қуйидагича гуруҳлаштириш имконияти пайдо бўлади:

I гуруҳ – юқори инвестиция салоҳиятли минтақалар;

II гуруҳ – ўртача инвестиция салоҳиятли минтақалар;

III гуруҳ – нисбатан паст инвестиция салоҳиятли минтақалар;

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт ва унинг ҳудудлари инвестиция салоҳияти даражасини аниқлашга қаратилган кенг кўламли таҳлил инвестицияларни, айниқса, чет эл капиталини ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштириш, янги ўсиш нуқталари ва захираларини аниқлаш, нисбий устунликлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Хусусан, юқорида келтирилган усуллар республикамиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти бўйича мутаносиб ривожланиш даражасини таҳлил қилиш ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда устувор инвестиция сиёсати йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.

“Ўзбекистон минтақалари инвестиция салоҳияти ва унинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобда инвестиция муҳити ва ҳудудларда инвестицияларнинг таркибий тузилишига кўра таҳлили, мамлакат ҳудудлари иқтисодиётига инвестициялар таъсирини, уларнинг самарадорлигини, инвестиция салоҳиятини баҳолаш натижалари ўз аксини топган.

Миллий иқтисодиётга 2020 йилда жалб қилинган инвестициялар ҳажми 202 трлн сўмга етиб, 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 91,8 фоизни ташкил этган ва пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ўзбекистон ҳудудларига 2010-2020 йиллар давомида киритилган инвестицияларнинг иқтисодиётга нисбатан

¹⁰ <http://raexpert.ru/>

¹¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари ва эксперт баҳолаш натижасида аниқланган.

кўлами ва самарадорлик даражасини кўрсатувчи инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси салмоқли юқори бўлган минтақалар қаторидан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти каби ҳудудлар жой олган (3-жадвал).

3-жадвал

2010-2020 йилларда Ўзбекистон ҳудудларида ўртача инвестиция самарадорлиги кўрсаткичлари¹²

№	Инвестиция нормаси		Инвестиция мультипликатори		ICOR коэффициенти		Иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси	
Юқори кўрсаткичга эга ҳудудлар								
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	61,2	Бухоро	2,44	Қорақалпоғистон Республикаси	0,56	Қорақалпоғистон Республикаси	2,45
2.	Бухоро	48,3	Қорақалпоғистон Республикаси	1,43	Бухоро	0,48	Бухоро	1,90
3.	Қашқадарё	45,1	Қашқадарё	0,81	Қашқадарё	0,42	Қашқадарё	1,73
4.	Сирдарё	35,2	Тошкент вил.	0,80	Сирдарё	0,31	Сирдарё	1,36
5.	Тошкент ш	35,2	Тошкент ш	0,67	Тошкент ш	0,30	Тошкент ш	1,35
Ўртача кўрсаткичга эга ҳудудлар								
6.	Навоий	32,5	<i>Республика</i>	0,63	Навоий	0,28	Навоий	1,25
7.	Жиззах	30,9	Андижон	0,61	Жиззах	0,26	Жиззах	1,19
8.	Наманган	28,7	Самарқанд	0,57	<i>Республика</i>	0,23	Наманган	1,09
9.	Сурхондарё	28,0	Фарғона	0,55	Наманган	0,24	Сурхондарё	1,06
10.	<i>Республика</i>	25,9	Наманган	0,43	Сурхондарё	0,24	Тошкент вил.	0,95
11.	Тошкент вил.	24,6	Сурхондарё	0,40	Тошкент вил.	0,22	Хоразм	0,94
Нисбатан паст кўрсаткичга эга ҳудудлар								
12.	Хоразм	23,9	Сирдарё	0,39	Самарқанд	0,21	Самарқанд	0,92
13.	Самарқанд	23,4	Жиззах	0,33	Хоразм	0,21	Фарғона	0,79
14.	Фарғона	20,3	Навоий	0,31	Фарғона	0,18	Андижон	0,67
15.	Андижон	17,4	Хоразм	0,29	Андижон	0,16		

Мазкур ҳудудларда инвестиция самарадорлиги юқори бўлиш билан бирга ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ҳам катта бўлгани учун уларнинг ICOR коэффициенти ҳам баланд бўлган. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятларида эса сўнгги ўн йилликда инвестиция фаоллиги паст бўлгани сабабли уларда инвестиция нормаси 17,4-23,9 қийматга эга бўлган. Инвестиция мультипликатори билан тавсифланувчи инвестициялар иқтисодий самарадорлиги эса Хоразм, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нисбатан паст бўлган. 2010-2020 йилларда Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятлари эса ўз иқтисодий кўламига мос равишда инвестициялар жалб қила олмаганлар. Андижон, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятларига ўзлаштирилаётган инвестициялар асосан меҳнат сиғими юқори тармоқларга йўналтирилган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашда уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари ҳам нисбатан аниқ хулосалар чиқариш имконини беради (4-жадвал). Шу боис, Ўзбекистоннинг 14 та минтақалари бўйича 2000-2020 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари таъсири панел маълумотлар базасига асосланган регрессия функциялари орқали баҳоланди.

Ўзбекистон минтақаларида 2010-2020 йилларга нисбатан инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижаларига кўра инвестицияларнинг эластиклик коэффициенти бир йиллик лаг ҳолатида (“Random effects GLS regression”, Fixed effects (within) regression усулларида) 0.024 дан ортиқни, икки йиллик лаг билан айтилган икки усулда ҳам 0.025 дан ортиқни ташкил этган.

4-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари¹³

Тобе ўзгарувчи (grp_growth) – ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши							
Мустақил ўзгарувчилар (independent variable)		Эластиклик коэффициентлари					
		1 йиллик лаг		2 йиллик лаг		3 йиллик лаг	
		Random effects GLS regression	Fixed effects (within) regression	Random effects GLS regression	Fixed effects (within) regression	Random effects GLS regression	Fixed effects (within) regression
C	константа	104.8489 (*1.223885) (**85.67) (***0.000)	104.8084 (*1.160727) (**90.30) (***0.000)	104.6087 (*1.227492) (**85.22) (***0.000)	104.595 (*1.161363) (**90.06) (***0.000)	101.5541 (*2.189705) (**46.38) (***0.000)	101.5344 (*2.172638) (**46.73) (***0.000)
In_gr	Ҳар бир ҳудудда жами инвестициялар ўсиш суръати	0.0241959 (*0.0098802) (**2.45) (***0.014)	0.024554 (*0.0099607) (**2.47) (***0.015)	0.0255824 (*0.0096373) (**2.65) (***0.008)	0.0256999 (*0.0096902) (**2.65) (***0.009)	0.0526826 (*0.0186226) (**2.83) (***0.005)	0.0528552 (*0.0188195) (**2.81) (***0.006)
R-squared: within		0.0519		0.0596		0.0663	
R-squared: between		0.0016		0.0003		0.0048	
R-squared: overall		0.0364		0.0438		0.0507	
rho		0.2013652	0.25331415	0.20354306	0.25359971	0.20418531	0.25350189
Танланма даври Time: 2000-2020		Танланма гуруҳлари сони Number of groups=14		Кузатувлар сони Number of obs=154			
* Стандарт хатолик (Std. Error)			** t (z) - статистика (t-Statistic)		***p-эҳтимоллик қиймати (Prob.Value)		

Уч йиллик лагни ҳисоблашда сўнгги уч йиллик кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматидан фойдаланилди. Натижада уч йиллик лаг ҳолатида ҳудудларда инвестициялар ўсишининг иқтисодий ўсишга таъсири эластиклик коэффициенти деярли 0.053 ни ташкил этди. Мазкур рақамлардан кўриш мумкинки, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсир даражаси уч йиллик (лаг) даврда ўзининг энг юқори қийматига эга бўлган. Бу эса муайян

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

йилга нисбатан сўнги уч йилликда ҳудудларга жалб қилинган инвестицияларнинг ўртача ўсиш суръатининг 1 фоиз пунктга кўтарилиши (масалан, ўсиш суръати 102 фоиздан 103 фоизга етган бўлса) иқтисодий ўсиш суръатининг (яъни ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати) 0,053 фоиз пунктга ошиши билан уйғун келмоқда. Шунингдек, эластиклик коэффициентларининг турли лаглар бўйича қийматларининг кўрсатишича, мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция лойиҳалари биринчи ва иккинчи йилларга қарганда, уч йиллик даврда иқтисодий ўсишга энг кўп ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Эконометрик баҳолашда 14 та ҳудуд бўйича 11 йиллик маълумотлардан фойдаланилгани боис кузатув нуқталари сони 154 тага етди. Бошқача айтганда, ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш ва инвестицияларнинг ошиши ўртасидаги 154 та ўзаро таъсирлашув ҳолатини ўзаро таҳлил қилиш асосида “Stata” компьютер дастуридан фойдаланиб, инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсири хусусияти аниқланди. Эконометрик ҳисоб-китоблар орқали жуфтлик регрессия функциялари ёрдамида инвестициялар ўсишининг иқтисодий ўсишга таъсир даражаси эластиклик коэффициентлари орқали ифодаланди. Маълумки, инвестициялар ишлаб чиқаришга ўзлаштирилиши билан якуний натижага, яъни иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиши учун муайян муддат талаб этилади. Мазкур муддат инвестиция лаги деб номланиб, инвестициялар таъсирининг маълум вақт оралиғида кечикиб иқтисодий ўсишга ўтишини ифодалайди. Муаллиф эконометрик ҳисоб-китобларда инвестициялар таъсирининг ушбу хусусиятларини ҳам эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ҳудудларида инвестицияларнинг 3 йилгача бўлган ҳар бир лагдан фойдаланган.

Содда қилиб айтганда, 2020 йилда эришилган иқтисодий ўсишга инвестицияларнинг таъсирини баҳолашда ушбу ўсишни таъминлашга киритилган 2018, 2019 ва 2020 йилдаги инвестициялар ҳисобга олиниши лозим. Эконометрик ҳисоб-китобларни формаллашган функция кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$grp_growth=0.0241959*in_gr_1+104.8489 (RE)$$

$$grp_growth=0.024554*in_gr_1+104.8084 (FE)$$

$$grp_growth=0.0255824*in_gr_2+104.6087 (RE)$$

$$grp_growth=0.0256999*in_gr_2+104.595 (FE)$$

$$grp_growth=0.0526826*in_gr_3+101.5541 (RE)$$

$$grp_growth=0.0528552*in_gr_3+101.5344 (FE)$$

Инвестиция салоҳиятини аниқлаш учун тадқиқотнинг учинчи бобида таклиф этилган услуб асосида ўнта блокдан иборат инвестиция фаоллиги, ишлаб чиқариш, табиий-ресурс, истеъмол, меҳнат, инфратузилма, институционал, илмий-таълим, экспорт, инновация ва унумдорлик омиллари кўрсаткичлари баҳоланган (5-жадвал). Уларни умумлаштириб, жамлаган ҳолда тегишли вазн коэффициентларини ҳам ҳисобга олиб ҳар бир ҳудуд бўйича инвестиция салоҳияти коэффициентлари аниқланди.

**Ўзбекистон ҳудудларида 2013-2019 йилларда ўртача интеграл
инвестиция салоҳияти кўрсаткичлари
(коэффициентлар 0 дан 1 гача шкалада)¹⁴**

№	Худудлар номлари	Инвестиция фаоллиги	Ишлаб чиқариш	Табий ресурс салоҳияти	Истеъмол салоҳияти	Меҳнат салоҳияти	Инфрамузлма салоҳияти	Институционал салоҳият	Илмий-таълим салоҳияти	Интеграцион салоҳият	Инновация ва унумдорлик	Инвестиция салоҳияти
Салоҳият юқори ҳудудлар												
1.	Тошкент ш	0,570	0,770	0,000	0,997	1,000	1,000	1,000	0,770	1,000	0,978	0,770
2.	Навоий	0,398	0,701	0,832	0,550	0,594	0,159	0,292	0,237	0,270	0,547	0,472
3.	Бухоро	0,529	0,314	0,176	0,268	0,622	0,206	0,188	0,158	0,089	0,436	0,326
4.	Тошкент вил.	0,286	0,368	0,045	0,281	0,580	0,410	0,213	0,067	0,351	0,338	0,297
5.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,575	0,264	0,530	0,083	0,149	0,143	0,155	0,290	0,060	0,161	0,285
Салоҳият ўртача ҳудудлар												
6.	Сирдарё	0,245	0,212	0,014	0,121	0,616	0,445	0,384	0,323	0,099	0,508	0,279
7.	Қашқадарё	0,519	0,184	0,170	0,135	0,227	0,273	0,061	0,096	0,026	0,416	0,241
8.	Андижон	0,115	0,218	0,016	0,207	0,527	0,639	0,155	0,065	0,123	0,500	0,232
9.	Фарғона	0,142	0,194	0,020	0,093	0,380	0,663	0,070	0,085	0,056	0,319	0,191
10.	Хоразм	0,151	0,251	0,018	0,117	0,247	0,416	0,147	0,200	0,012	0,271	0,181
Салоҳият нисбатан паст ҳудудлар												
11.	Наманган	0,273	0,212	0,023	0,022	0,248	0,454	0,084	0,086	0,013	0,222	0,177
12.	Жиззах	0,209	0,243	0,146	0,089	0,080	0,206	0,222	0,293	0,019	0,055	0,169
13.	Сурхондарё	0,246	0,203	0,065	0,049	0,259	0,258	0,045	0,107	0,014	0,255	0,162
14.	Самарқанд	0,168	0,221	0,054	0,064	0,289	0,340	0,011	0,165	0,030	0,215	0,160

Мамлакатимизнинг 14 та минтақасини уларнинг инвестиция салоҳияти даражаси коэффициентлари ўсиб бориши тартибида шартли равишда 3 та гуруҳга бўламиз. Биринчи гуруҳга инвестиция салоҳияти юқори бўлган 5 та ҳудуд, иккинчи гуруҳга инвестиция салоҳияти ўртача 5 та ҳудуд ва ниҳоят учинчи гуруҳга инвестиция салоҳияти нисбатан паст бўлган 4 та ҳудуд киритилган. 2013-2019 йиллар учун инвестиция салоҳияти коэффициенти юқори бўлган ҳудудлар қаторидан Тошкент шаҳри (коэффициент 0,770), Навоий вилояти (0,472), Бухоро вилояти (0,326) ва Тошкент вилояти (0,297) жой олган. Инвестиция салоҳияти даражаси коэффициенти ўртача бўлган ҳудудлар қаторидан эса Сирдарё вилояти (коэффициент 0,279), Қашқадарё вилояти (0,241), Андижон вилояти (0,232), Фарғона вилояти (0,191) ва Хоразм вилояти (0,181) жой олган. 2013-2019 йиллар учун Наманган вилояти (коэффициент 0,177), Жиззах вилояти (0,169), Сурхондарё вилояти (0,162) ва Самарқанд вилоятида (0,160) инвестиция салоҳияти даражаси


¹⁴ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

коэффициентлари қолган ҳудудларга нисбатан паст бўлган. Ушбу кўрсаткичлар орқали минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда ҳудудий инвестиция сиёсатини шакллантиришда юқори, ўрта ва нисбатан паст салоҳиятга эга ҳудудларга мослаштирилган ва табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланиш мумкин.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар инвестиция ресурсларига бой (Тошкент ш., Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари) ва етишмовчилик кузатилаётган (Андижон, Фарғона, Хоразм вилоятлари), ишлаб чиқариш салоҳияти юқори (Тошкент ш., Навоий, Тошкент вилоятлари) ва нисбатан паст (Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё вилоятлари) ҳудудларни аниқлашга ёрдам берди. Шунингдек, табиий-ресурс имкониятлари кенг (Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти) ва чекланган (Тошкент ш., Сирдарё, Андижон вилоятлари) институционал салоҳияти катта (Тошкент ш., Сирдарё, Навоий, Жиззах вилоятлари) ва нисбатан паст бўлган (Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари) ҳудудларни ажратиб олиш имконияти яратилди.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон минтақалари инвестиция салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишлари**” деб номланган бешинчи бобда ҳудудларда ишлаб чиқаришни молиялаштиришни оширишда инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш йўллари, мамлакатни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш фаол инвестиция сиёсатининг асоси эканлиги бўйича фикр-мулоҳазалар, ҳудудлар инвестиция салоҳиятини ошириш асослари ва устувор йўналишларига оид муаллиф қарашлари акс этган.

Мамлакатимизда оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва ҳудудларга инвестицияларни фаол ўзлаштириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали инвестиция салоҳиятини ошириш механизмини яхшилаш учун дастлабки босқичда узоқ муддатга мўлжалланган Ҳудудий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланган (1-расм). Мазкур концепция эса алоҳида минтақалар доирасида узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишда устувор йўналишлар ва асосий мақсадларни аниқлашга асос бўлади. Ушбу Концепцияга асосланган ҳолда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида ҳудудлар инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис, алоҳида минтақа доирасидаги инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш учун аввало барча ҳудудларга асосий йўналишларини аниқлаб берувчи узоқ муддатга мўлжалланган Ҳудудий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш зарурияти туғилади.



1-расм. Ўзбекистонда ўсиш марказлари ва ривожланиш даражаси нисбатан ортда қолаётган худудлар ўзаро интеграциясини таъминлаш механизми¹⁵

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

Худудий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишда қуйидаги асосий вазифаларни қамраб олиш зарурияти илмий асосланган:

- ✓ мамлакат минтақаларининг иқтисодий салоҳияти ва замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда улар таркибида доимий равишда “ўсиш марказлари” ва “ортда қолаётган ҳудудлар”ни ажратиб бориш;
- ✓ “ўсиш марказлари” ҳисобланган минтақалардан периферия ҳудудлари ва узоқ қишлоқ жойларга янгиликлар ва инновациялар фаол диффузиясини таъминлаш учун барча шароитларни яратиш;
- ✓ ривожланган минтақалар ва ривожланиш даражаси бўйича нисбатан ортда қолаётган ҳудудларни ўзаро боғловчи замонавий транспорт корридорлари тизимини шакллантириш;
- ✓ “ўсиш марказлар”ида шаклланган алоқа тармоғини ривожланиш даражаси жиҳатидан нисбатан ортда қолаётган ҳудудларда давом эттириш ва ривожлантириш;
- ✓ республиканинг ривожланган минтақалари ва тараққиётдан орқада қолаётган ҳудудлари ўртасида ўзаро ишчи кучи ва меҳнат ресурслари эркин ҳаракатини таъминлаш;
- ✓ ривожланган ҳудудларда фаолият юритаётган олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, “ақл” марказларининг ривожланишдан нисбатан ортда қолаётган ҳудудларда филиалларини очишни рағбатлантиришнинг самарали механизминини яратиш;
- ✓ ишлаб чиқариш, истеъмол, меҳнат, институционал ва инновация салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар имкониятларидан минтақалараро қўшма ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали ривожланиш даражаси жиҳатидан нисбатан ортда қолаётган минтақаларда самарали фойдаланишни таъминлаш.

Панел маълумотларга асосланган эконометрик моделлар орқали Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ўсишининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (6-жадвал).

Прогноз параметрлар 3 та вариант бўйича, яъни 1-сценарий – фаол ислохотлар ва қулай конъюнктура шароитида, 2-сценарий – шароитлар ўзгармаган ва жорий ҳолат сақланиши шароитида, 3-сценарий – рецессия ва ноқулай конъюнктура шароити нуктаи назаридан ҳисобланган. Мамлакатга инвестициялар ўзлаштириш ҳажмининг ўсиши 2021 йилда 14,8-21,4 фоиз, 2022 йилда 15,6-22,3 фоиз, 2023 йилда 15,3-21,9 фоиз, 2024 йилда 15,2-22,1 фоиз, 2025 йилда эса 14,6-22,4 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Мамлакатимизда инвестиция салоҳиятини ошириш механизминини яхшилаш учун таклиф этилаётган Худудий ривожланиш концепциясини шакллантиришда қуйидаги устувор йўналишлар қамраб олиниши мақсадга мувофиқ:

Биринчи устувор йўналиш – ҳудудларнинг давлат томонидан бошқарувида маҳаллий ҳокимликларга эркинликлар бериш билан бирга уларнинг масъулиятини ошириш орқали ҳудудларни мутаносиб ривожлантиришда марказлаштирилган тизимни юмшатиш. Ҳокимликларга ваколатлар беришда,

айниқса, маҳаллий бюджет маблағларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтиш даркор.

6-жадвал

Ўзбекистонда 2021-2025 йилларда асосий капиталга инвестициялар ўсишининг прогноз кўрсаткичлари, фоизда¹⁶

№	Молиялаш-тириш манбалари	Факт			Прогноз параметрлар:					
		2018 й.	2019 й.	2020 й.	Сцена-рийлар	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1	Капитал қўйилмалар, жами	29,9	38,1	-8,2	1	21,4	22,3	21,9	22,1	22,4
					2	18,5	17,1	18,2	17,8	18,1
					3	14,8	15,6	15,3	15,2	14,6
Молиялаштириш манбалари бўйича таркиби, жами инвестицияларга нисбатан фоизда										
1.	Марказлаш-ган инвестици-ялар	29,7	26,6	19,5	1	14,2	14,6	14,3	14,5	14,1
					2	17,9	17,5	17,4	17,3	16,9
					3	20,1	20,3	20,5	19,5	19,8
2.	Марказлаш-тирилмаган инвести-циялар	70,3	73,4	80,5	1	85,8	85,4	85,7	85,5	85,9
					2	82,1	82,5	82,6	82,7	83,1
					3	79,9	79,7	79,5	80,5	80,2

Иккинчи устувор йўналиш – иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича нисбатан ортда қолаётган минтақаларда кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш орқали “темир дафтар”га киритилган эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда бозор инструментларидан фойдаланиш, улар учун тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш орқали янги иш жойлари яратиш.

Учинчи устувор йўналиш – жойларда алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантириш орқали минтақа марказларидан чекка ҳудудларга “рақамли иқтисодиёт” элементлари фаол кўчиши ва тарқалишини таъминлаш. Бу жараёнда ҳудудларда ахборот технологиялари мутахассислари ва дастурчилар тайёрлаш марказлари ва таълим муассасаларига имтиёзлар тақдим этилиши зарур.

Тўртинчи устувор йўналиш – ҳудудларнинг ўзига хос афзалликлари ва ўсиш захираларидан келиб чиқиб, улар иқтисодиётини ривожлантиришнинг “драйверлар”ини аниқлаш. Бунда жойларда мавжуд нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, туристик салоҳиятни эътиборга олиш зарур.

Бешинчи устувор йўналиш – минтақаларда “ўсиш нуқталари”ни ривожлантиришнинг замонавий шакли бўлган махсус иқтисодий зоналарнинг шакллантирилиши ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш. Уларга

¹⁶ Муаллиф томонидан ҳисобланган

минтақаларда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар, фармацевтика зоналари, кичик саноат зоналари, тармоқлар ва соҳалар бўйича кластерлар, инновацион марказлар, технопарклар, инновацион ҳудуд, ақлли ҳудуд ва бошқалар киради.

Олтинчи устувор йўналиш – минтақалараро иқтисодий интеграцияни таъминлашда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қўшма дастурларини ишлаб чиқишни самарали ташкил этиш ва уни амалга ошириш. Бунда ҳудудлар ўртасида ишчи кучи, капитал, товарлар, билимлар ва инновациялар эркин ҳаракатини таъминлаш зарур.

Еттинчи устувор йўналиш – ҳудудларни мутаносиб ва комплекс ривожланишини таъминлашда ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш. Ушбу вазифанинг амалга оширилиши жойларда урбанизация жараёнларини янада фаоллаштириш, транспорт, энергетика тармоқлари, қурилиш соҳасини ривожлантириш, ҳудудлараро сармоялар ҳаракатини тезлаштириш имкониятларини яратади.

Саккизинчи устувор йўналиш – минтақаларда иқтисодий жараёнларни ташкил этиш ва уларни давлат томонидан бошқаришда “билимлар иқтисодиёти” элементларидан фойдаланишни рағбатлантириш. Бунда, аввало, инновациялар, юқори малакали кадрлар, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш, инсон капиталини доимо ошириб бориш талаб этилади.

Тўққизинчи устувор йўналиш – ҳудудий иқтисодий сиёсатни олиб боришда маҳалла ва туман-шаҳарлар даражасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ислохотларини аниқ белгилаб қўйиш. Бир қатор аниқ чоратadbирларни маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида амалга ошириш йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўнинчи устувор йўналиш – ҳудудларда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиқиб, халқаро бозорда юз бераётган вазиятни замонавий маркетинг усуллари тизими орқали таҳлил қилиш асосида минтақалар экспорт салоҳиятини оширишнинг устувор вазифаларини аниқлаш.

Ўзбекистон минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда эса муайян вилоят, туман ва шаҳарлар ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва салоҳиятидан келиб чиқиши лозим. Ўзбекистоннинг ҳудудий инвестиция сиёсатини шакллантиришда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир:

- ✓ минтақа доирасида маҳаллий ташкилотлар бўйича институционал ислохотларнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- ✓ минтақада ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш учун инвестиция ресурсларини фаол жалб қилиш;
- ✓ ҳудудлар қишлоқ хўжалиги ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминловчи барқарор ривожлантириш йўналишларини аниқлаш;
- ✓ минтақа ўсиш марказларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва уларни чекка ҳудудларга ёйилишини таъминлашга қаратилган инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- ✓ ҳудудларда инсон капитални ривожлантиришга инвестицияларни фаол жалб қилиш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш асосларини яратиш;
- ✓ ижтимоий–иқтисодий ривожланишда инновацияларни татбиқ этишнинг устувор йўналишларига хорижий капитални жалб қилиш;
- ✓ ҳудуднинг табиий-географик хусусиятлари ва жойлашув имкониятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш;
- ✓ ҳудуд ташқи савдосини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сармоялар жалб қилиш;
- ✓ ҳудуд аҳолиси хусусиятларидан келиб чиқиб демографик ўсиш ва меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишларини аниқлаш;
- ✓ минтақа инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга оширишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;
- ✓ ҳудуд ичида ҳудудларни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш.

Ҳудудий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг аҳамияти шундан иборатки, у иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий инвестиция сиёсати бўйича йўналишларни аниқлаб беради, инвестицияларни кўпайтириш ва диверсификация қилишга йўналтирилган инвестиция қарорларини шакллантиришга ёрдам беради. Алоҳида ҳудудлар инвестиция стратегияларини ишлаб чиқишда эса уларнинг нисбий устунликлари ва салоҳиятини эътиборга олиш зарур. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Шарқий ва Шимолий Бердақ газ конларини ишга тушириш ва компрессор станцияларини қуриш, Орол денгизи акваториясининг Ўзбекистон қисмида жойлашган конларни ўрганиш ва ишга туширишга тайёрлаш, Сечанкул, Акжар ва Чимбой инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини олиб бориш ҳамда Ўрға, Ақчалак ва Чандир конлар гуруҳини очиш бўйича инвестицияларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Андижон вилояти эса республиканинг бошқа ҳудудларидан машинасозлик тармоғининг ривожланганлиги, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича нисбий устунликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Республикамизнинг ҳудудларидан яна бири Навоий вилоятида Навоий эркин иқтисодий зонаси фаолияти самарадорлигини ошириш, Навоий шаҳридаги халқаро интермодаль логистика марказини такомиллаштириш ва имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Наманган вилояти тўқимачилик, озиқ-овқат ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари бўйича нисбий устунликларга эга эканлиги боис хорижий капитални аввало айнан ушбу тармоқларга фаол жалб қилиш юқори самарадорликни таъминлайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Минтақавий иқтисодиёт бўйича замонавий илмий қарашлар асосида “худудий иқтисодий сиёсат” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: мамлакат ва минтақалар ривожланиш стратегиясига мос равишда худудлар ўртасидаги кескин ижтимоий-иқтисодий тафовутларни юмшатишга қаратилган ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини тенглаштиришга хизмат қилувчи давлат ва минтақалар ўртасидаги ҳамда худудлараро алоқаларни тартибга солиш орқали комплекс ва мутаносиб худудий ривожланишни таъминловчи қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий тадбирлар мажмуасидир.

2. Илмий адабиётлар ва манбалар таҳлили натижаларига кўра, минтақа инвестиция салоҳиятини кўрсатувчи стандарт келишилган ягона кўрсаткич мавжуд эмаслиги аниқланган. Муаллиф томонидан ушбу тушунча кўп омилли ва таркиб жиҳатдан серқирра эканлиги илмий асосланиб, унга муайян минтақа доирасидаги тўпланган инвестиция ресурслари, табиий-географик салоҳият, ишлаб чиқариш омиллари, истеъмол қобилияти, инфратузилма даражаси, инновация омиллари, меҳнат ресурслари, институционал салоҳият омиллари билан аниқланувчи инвестицияларни ўзлаштира олиш кўлами сифатида илмий ёндашиш таклиф этилган.

3. Ўзбекистон минтақаларида инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда инвестиция нормаси, инвестиция мультипликатори, инвестиция акселератори, ICOR коэффициенти, инвестиция қайтими коэффициенти сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш таклиф этилган. Тадқиқотда мазкур кўрсаткичлар инвестицияларнинг ҳажм жиҳатидан миқдорий ўзгариши билан бирга, уларнинг иқтисодиётга қанчалик самара бера олганини аниқлаш имконини бериши муаллиф томонидан очиб берилган.

4. Вақт ва худуд бўйича кўрсаткичларни ўз ичига олган панел маълумотларга асосланган регрессия функцияларида инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эластиклик коэффицентлари орқали аниқлаш ҳамда эконометрик моделда ички ва хорижий инвестицияларнинг алоҳида таъсирларини ажратиш бўйича услублар ишлаб чиқилган.

5. Аргентина, Австралия, Канада, Хитой, Европа Иттифоқи, Индонезия, Жанубий Корея, Туркия каби давлатлар инвестиция стратегиялари ишлаб чиқиш тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистон минтақаларида инвестиция стратегияларини шакллантиришда асосий эътибор хусусий секторга кенг имкониятлар яратиш, давлат инвестицияларини эса инфратузилма, энергетика, соғлиқни сақлаш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш, инновациялар, инклюзив ўсишга йўналтириш заруриятига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги илмий жиҳатдан ёритиб берилган.

6. Сўнгги ўн йилликда минтақалар бўйича инвестиция нормаси таҳлил қилиниб, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятларида инвестиция фаоллик даражаси пастлиги аниқланди. Муаллиф инвестиция мультипликатори ва қайтими кўрсаткичлари таҳлили орқали Навоий, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида инвестицияларнинг минтақа

иқтисодий ўсишига трансформациялашув даражаси нисбатан паст эканлигини илмий асослаган. Охирги ўн йилликда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида капитал сиғими юқори бўлгани аниқланган.

7. Эконометрик ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистон минтақаларида муайян йилда киритилган инвестициялар уч йилдан кейин иқтисодий ўсишга ўзининг энг юқори ижобий таъсирини кўрсатган. Бунда муайян йилга нисбатан сўнгги уч йилликда ҳудудларга жалб қилинган инвестицияларнинг ўртача ўсиш суръатининг 10 фоиз пунктга кўтарилиши (масалан, ўсиш суръати 102 фоиздан 112 фоизга етган бўлса) иқтисодий ўсиш суръатининг (ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати масалан, 105 фоиздан 105,53 фоизга етиши) 0,53 фоиз пунктга ошиши билан уйғун келган.

8. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсири эконометрик таҳлил қилинганда мамлакатимиз минтақаларида иқтисодий ўсишни таъминлашда ички инвестицияларнинг 3 йилгача қисқа муддатда ижобий таъсири хорижий инвестицияларга нисбатан юқори бўлгани аниқланди. Ички инвестициялар ўсиш суръатининг бир фоиз пунктга ошиши иқтисодий ўсиш суръатининг 0.101-0.105 фоиз пунктга ошишига олиб келган бўлса, хорижий инвестициялар ўсиш суръатининг ўзгариши қисқа муддатда иқтисодий ўсиш суратларига ижобий таъсири сезилмаган. Муаллиф бу орқали хорижий инвестицияларнинг ижобий таъсири минтақалар иқтисодий ўсишига узоқ муддатда сезилишини асослаган.

9. Муаллиф томонидан ўнта блокдан иборат 2013-2019 йиллар учун минтақалар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш асосида ҳар бир минтақа учун инвестиция салоҳияти коэффициенти аниқланган. Натижаларга кўра инвестиция салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар қаторидан Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жой олган. Сирдарё, Қашқадарё, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ўртача инвестиция даражасига эга бўлган. Инвестиция салоҳиятининг нисбатан паст даражаси эса Наманган, Жиззах, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида кузатилган.

10. Инвестиция салоҳиятини ошириш механизмини яхшилашда ҳудудий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш бўйича стратегик муҳим норматив ҳужжатлар сифатида биринчи босқичда минтақавий сиёсат умумреспублика концепциясини, иккинчи босқичда алоҳида минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияларини ва учинчи босқичда ҳудудлар инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш илмий асосланган.

11. Муаллиф минтақавий сиёсат назарияларига асосланган ҳолда ҳудудлар инвестиция салоҳиятини оширишда Ўзбекистоннинг “ўсиш марказлари” (Тошкент ш., Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари) ва иқтисодий ривожланиш жиҳатидан нисбатан ортда қолаётган ҳудудлар (Наманган, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари) ўртасидаги интеграцияни таъминлашнинг асосий шартлари сифатида янгиликлар диффузияси, транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантириш, ишчи кучи эркин ҳаракатига эришиш, ўқув муассасалари филиалларини ташкил этиш заруриятини асослаган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ И
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПРИ
МИНИСТЕРСТВЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И
СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЦЕНТР “НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ И
ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА” ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ВАЛИЕВ БОБУР БАТИРОВИЧ

**МЕХАНИЗМ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА
В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА**

08.00.12 – “Региональная экономика”

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора (DSc) экономических наук**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № В2019.2.DSc/Iqt197

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском центре "Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана" при Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.ifmr.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный консультант: Содиқов Авазбек Мадаминвич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Олимжонов Одил Олимович
доктор экономических наук, профессор

Низомов Аслиддин Бадриддинович
доктор экономических наук, профессор

Рахмонов Норим Раззакович
доктор экономических наук

Ведущая организация: Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «16» ИЮЛЯ 2021 года в 14⁰⁰ ч. на заседании Разового научного совета на основе Научного совета DSc.14/30.12.2019.I.84.01 по присуждению ученых степеней при Институте прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан. Адрес: 100011, г.Ташкент, ул. Навои, д.30. E-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан (регистрационный № _____). Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. Навои, д.30. E-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол регистрации № _____ от «__» _____ 2021 года)



Т.М.Ахмедов

Председатель Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Ш.Х. Отабоев

Ученый секретарь Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по экономическим наукам (PhD)

З.У. Бердиназаров

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В странах мира устойчивое и сбалансированное развитие регионов, эффективное использование имеющегося инвестиционного потенциала рассматриваются как важнейшие факторы экономического роста. Одной из основных причин этого является растущий социально-экономический разрыв между регионами. В развитых странах «средний разрыв между регионами с показателями самого высокого и самого низкого 10-процентного уровня реального ВВП на душу населения за 2010-2020 годы составил 1,7 раза, а в развивающихся странах - 3,2 раза». При определенных обстоятельствах разница между территориями внутри стран по экономическому потенциалу становится больше, чем разница между странами¹. Поэтому в условиях усиления международной конкуренции в обеспечении сбалансированного развития регионов страны большое значение приобретает проведение рациональной инвестиционной политики. Опыт зарубежных стран показывает, что сбалансированное повышение инвестиционного потенциала регионов является важным направлением региональной экономической политики.

В зарубежных странах и международных организациях проводятся широкомасштабные научные исследования по устойчивому развитию экономики регионов путем повышения инвестиционного потенциала. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию привлечения инвестиций в устойчивое развитие регионов, стимулированию их ориентации на перспективные отрасли, повышению эффективности деятельности органов местного самоуправления в реализации региональной инвестиционной политики, эффективному использованию инвестиционного потенциала.

В Узбекистане осуществляются структурные реформы по повышению инвестиционного потенциала и обоснованной разработке инвестиционных программ по комплексному развитию регионов. Смягчение социально-экономического разрыва между регионами, активное привлечение средств местных предпринимателей и иностранных инвестиций в их экономику определено как важное направление экономической политики республики. При этом выявление «точек роста» в регионах, обеспечение их устойчивого экономического развития и последовательное продолжение активного привлечения инвестиционных ресурсов являются особыми приоритетами в повышении инвестиционного потенциала регионов².

Диссертационная работа служит для выполнения задач, установленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2019 г. №УП-5717 «О мерах по переходу на качественно новую систему формирования и реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 г.

¹ <https://blogs.imf.org/2019/10/09/widening-gaps-regional-inequality-within-advanced-economies/>

² Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. <https://president.uz/ru/lists/view/4057>

№ПП-3182 «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов», от 20 июня 2018 г. №ПП-3794 «О дополнительных мерах по ускоренной реализации инвестиционных и инфраструктурных проектов», от 1 мая 2020 г. №ПП-4702 «О внедрении системы рейтинговой оценки социально-экономического развития регионов» и других нормативно-правовых документах в сфере регионального развития.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики в ближайшие годы - I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.

Исследования концептуальных аспектов региональной экономики и инвестиционного потенциала в зарубежных странах проводятся такими ведущими исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, как: Institute for International Urban Development, Milken Institute Center for Regional Economics and California Center, The Center for Regional Economic Competitiveness, Center for Regional Economics at Temple, Center for Regional Economic Advancement at Cornell University, Center for regional development at Purdue University, Center for Regional Economic Analysis of Sonoma State University, Michigan University Center for Regional Economic Innovation (США), Centre for Regional Economic and Social Research, Centre for Regional Economic and Enterprise Development of Sheffield University (Англия), VIVES - The research center for regional economics (Бельгия), The Center for Regional Analysis at the University of Gothenburg (Швеция), The Center for Regional Economic Development (Швейцария), Centre for Economic and Regional Studies, Hungarian Academy of Sciences, Hungary – CERSHAS (Венгрия), Institutional Investor (II) (Гонконг), Институт региональных исследований и городского планирования Национального исследовательского университета «Высшая школа экономики» (Россия), а также отечественными научно-образовательными учреждениями: Институтом прогнозирования и макроэкономических исследований, Национальным университетом Узбекистана имени М. Улугбека, Научно-исследовательским центром научных основ и проблем экономического развития Узбекистана при Ташкентском государственном экономическом университете (Узбекистан).

